

ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИДАГИ ИМКОНияТЛАР КўРСАТИБ ўТИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 24 январь куни чарм-пойабзал саноатидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.

Бу соҳа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда катта ўринга эга. Сўнгги йилларда амалга оширилган технологик янгилаш ва маҳаллийлаштириш натижасида тармоқ сезиларли ривожланди. Масалан, 2017 йилда 760 миллиард сўмлик чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 4 триллион 415 миллиард сўмни ташкил этган. Шу даврда экспорт ҳажми 105 миллион доллардан 421 миллион долларга етган. Яъни, ишлаб чиқариш қарийб 6 баробар, экспорт 4 баробар ўсган. Тайёр маҳсулотлар улуши ҳам 32 фоиздан 78 фоизга кўпайган.

Шу билан бирга, ҳали бу тармоқда ишга солинмаган имкониятлар жуда кўп. Лекин айрим муаммолар ишлаб чиқарувчиларга қийинчилик туғдирмоқда. Жумладан, хом ашё ҳисобини юритиш тизими йўқ, автоматлашган қўшоналар камлиги тери сифатига таъсир қилмоқда. Дизайнер, технолог ва малакали тикувчилар, замонавий ускуна, кимёвий восита ва бутловчи қисмлар етишмайди.

Худудлар кесимида айтганда, Бухоро ва Хоразмда йиллик 2 миллион дона тери захираси бўлса-да, уни саноат усулида йиғиб олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмаган. Қашқадарёда йилига 1 миллион 800 минг, Навоийда 700 минг ва Тошкент вилоятида 500 минг дона майда шохли чорва териси умуман қайта ишланмайди. Кўп қўшоналар аҳолидан узоқда жойлашгани, маҳалалар билан боғланмагани сабабли кам қувватда ишламоқда.

Йиғилишда шу қаби муаммоларни ҳал этиб, соҳани тизимли ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Аввало, маҳаллаларда чорва молларини сўйиш ва терини йиғиб олиш бўйича кичик мобил хизматларни йўлга қўйиш, бунинг учун имтиёзли кредитлар ажратиш зарурлиги айтилди.

Мутасаддилар жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган жами 421 миллион долларлик 248 та лойиха тўғрисида маълумот берди. Давлатимиз раҳбари қорхоналарни ўз вақтида ишга тушириш, шу билан бирга, янги истиқболли лойихаларни ишлаб чиқиш, бунда маҳаллийлаштириш ва замонавий моделларни ўзлаштиришга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Нукус, Олтинкўл, Шахрихон, Жондор, Наманган, Ургут, Самарқанд, Ангор, Оҳангарон ва Хазорасп туманлари, Наманган, Марғилон, Қўқон, Жиззах, Қарши ва Нурафшон шаҳарларида шу тармоққа ихтисослаштирилган 16 та кичик саноат зонаси ташкил этилиши белгиланди. Ушбу ҳудудларда инфратузилма барпо этиш

учун бюджетдан 90 миллиард сўм ажратилади. Усуналар харид қилиш учун тадбиркорларга 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга кредит берилади. Умуман, соҳани қўллаб-қувватлашга жорий йилда 60 миллион доллар имтиёзли кредит маблағлари йўналтирилади.

Бундан ташқари, Қўқон ва Марғилондаги аънаналар асосида, барча ҳудудда қосибчилик ривожланган маҳаллаларни танлаб, хунармандларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Уларга оилавий тадбиркорлик ва уй-жой дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар ҳамда солиқ имтиёзлари берилди.

Қайд этилганидек, бу йил чарм-пойабзал маҳсулотлари экспортини 500 миллион доллар, келгуси 3 йилда 1 миллиард 200 миллион долларга етказиш мақсад қилинган.

— Бу жуда катта марра, — деди Президент. — Бу мақсадга эришиш учун бозор ҳам бор, катта миқдорда хом ашё ҳам бор, талабгор ҳам бор. Фақат бунинг учун тадбиркорларга барча шароитларни яратиб бериш керак.

Шу мақсадда аввал берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2026 йилгача узайтирилиши белгиланди. Шунингдек, чет эллик мутахассисларни жалб этиш харажатларининг бир қисми қоплаб берилди. Чет элларда улғуржи омбор ва савдо ўйлари ташкил қилиш муҳимлиги таъкидланди, бунинг учун хорижий валютада 3 йилга 4 фоизлик кредитлар ажратилиши белгиланди.

Бугунги кунда юртимизда ишлаб чиқарилаётган чарм маҳсулотлари ҳажмида аёллар пойабзали улуши 23 фоиз, болалар пойабзали 8 фоизни ташкил этади, холос. Шу боис бу йўналишни ҳам солиқ имтиёзи орқали рағбатлантиришга кўрсатма берилди.

— Энг катта масала — мутахассис етишмаслиги. Шунинг учун барча худудлар бу борада аниқ режа қилиб, жойларда кадрларни ўқитиш тизимини йўлга қўйиши керак, — деди Президент.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида замонавий ўқув-ишлаб чиқариш лабораторияси ташкил этиш, хорижда мутахассислар малакасини ошириш, ўрта бўғин ишчиларини тайёрлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Йиғилишда тармоқ мутасаддилари, ҳокимлар, тадбиркорлар сўзга чиқиб, тақлифларини билдирди.

Ў.А.

Сенатор ва ҳаёт СЕКТОРЛАР АҲОЛИГА МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ҲОЗИРЛАШДА МУҲИМ ўРИН ТУТМОҚДА

Кейинги йилларда Ўзбекистон янгилианиш йўлидан дадил одимляпти. Натижада барча жаҳҳда янгилианиш эпкинларига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буни жойлардаги секторлар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ёдингизда бўлса, бундан тўрт-беш йил олдин нафақат куйи раҳбарлар, балки вилоят даражасидаги масъулларнинг ҳам аҳоли мурожаатлари билан ишлаши учун аниқ тизим йўқ эди. Бўлгани билан муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган муайян механизм ишлаб чиқилмаганди. Секторлар фаолияти йўлга қўйилган, вазият бутунлай ўзгарди. Бугун сектор

раҳбарлари ўз ҳудудини комплекс ривожлантириш баробарида, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш, одамлар дарду ташвишини эшитиш, муаммоларини ижобий ҳал этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келмоқда.



Таҳлил МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР КОТИБИЯТЛАРИ ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА?

Хабарингиз бор, бундан бир йилдан кўпроқ вақт олдин халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашлари иш фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида котибиятлар ташкил этилган эди. Ҳўш, бугун мазкур Кенгашлар котибиятлари қандай фаолият олиб бормоқда?

Дастлаб уларнинг ташкил этилиши нақадар оқилона қадам бўлганини ва улар тузилган кундан бошлаб депутатлар фаолиятида, Кенгаш сессияларида ўзгаришлар кузатилаётганлигини таъкидлаш зарур. Бу бо-

рада “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун, Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги қарори ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ РЕСПУБЛИКАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИНИ КЕНГАЙТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатда юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришнинг яхлит тизимини яратиш ва инвестицияларни фаол жалб этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, талаб юқори бўлган кенг турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтириш ва республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини** яратиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) **қуйидагиларга самарадорлик кўрсаткичларини (КР) баҳолаш тизимини жорий этиш:**

тармоқ раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва ҳокимлар — янги турдаги маҳсулотларни (хизматлар) ўзлаштириш орқали ички бозорни мувозанатлаштирилган маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишлатиш ва кенгайтириш, шунингдек, импортни мақбуллаштириш учун;

тармоқлар раҳбарларининг биринчи ўринбосарлари ва ҳокимларнинг маҳаллий саноатни ривожлантириш бўйича ёрдамчилари — ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини ўрнатиш ҳамда ривожлантириш, ҳамкорларга ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар техник параметрлари ва сифатини тегишли талаблар ва стандартларга мослаштиришга қўмаклашиш, шунингдек, серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун;

б) **инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида маҳаллий маҳсулотлар контентини кенгайтириш бўйича рақобатбардош шароитлар яратиш:**

Ийрик инвестиция лойиҳалари бўйича халқаро тендерлар ўтказиш жараёнида маҳаллий маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг қатнашиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бошқа тенг шарт-шароитларда саноат ва қурилиш мақсадларида ишлатиладиган маҳаллий

(Давоми 2-бетда).



Эксперт фикри ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ РЕНЕССАНС МАРКАЗИГА АЙЛАНАДИ



Таълим ва бошқа соҳалардаги дадил ислохотлар шундан далолат бермоқда.

Дунёда воқеалар ривожи навбатдаги Уйғониш даври Шарқдан бошланишига ишора қилмоқда. Қадимдан илм-фан, маданият бешиги бўлган Марказий Осиёнинг урив турган юраги бўлмиш Ўзбекистон ана шу Ренессанснинг марказига айланишига шубҳа йўқ. Таълим соҳасида утказилаётган дадил ислохотлар ҳамда эришилаётган натижалар шундан далолат беради. Четдан туриб кузатган кишига бу ўзгаришлар яқол сезилади. Айниқса, Россияда Ўзбекистон ютукларини ва амалга оширилаётган ислохотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораялмиз.

Ўзбекистон учинчи Ренессанс сари дадил одимламоқда. Таълим соҳасига эътибор ҳар доимгидан кучли. Ривожланган мамлакатларда таълим, бу — бизнес. Таълим бизнесга айлангандагина рақобатбардошлик вужудга келади.

Зеро, жаҳон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, ривожланишни тезлаштирадиган омил бу малакали, замон талабларига жавоб бера оладиган, профессионал мутахассислардир. Бундай кадрларни, шубҳасиз, олий таълим тизими тайёрлаб беради.



СЎНГГИ БЕШ ЙИЛДА 4,2 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ ХОНАДОНЛАРИНИНГ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

2017 — 2021 йилларда узунлиги **40 600 км.** бўлган электр узатиш тармоқлари ва **12 900 та** трансформатор пункти янгиланди.

Бунинг натижасида республика бўйича **7,3 мингдан** ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинларидаги **4,2 миллиондан** ортиқ аҳоли хонадонларининг электр энергияси таъминоти яхшиланди.

Жорий йилда узунлиги **15 000 км.** бўлган электр узатиш тармоқлари ва **4 000 та** трансформатор пункти янгиланиши режалаштирилмоқда.



Манба: Энергетика вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 январь куни дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган «Марказий Осиё давлатлари — Хитой» онлайн саммитида иштирок этади.

ХХР Раиси Си Цзиньпин ташаббуси билан ташкил этиладиган тадбир кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги 30 йиллик ҳамкорлик якунлари сарҳисоб қилинади, кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади ва амалий ҳамкорликнинг истиқболли соҳалари белгилаб олинади.

Онлайн саммит якунида Қўшма баёнот қабул қилиниши режалаштирилган.

Ў.А.



ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ АЙРИМ МУАММОЛАР БЎЙИЧА ҲУКУМАТ ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоконференцалоқа шаклидаги мажлисда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ешларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Таъкидланганидек, Ҳукумат томонидан Давлат дастури ихросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар бажарилган. Дастурунинг амалдаги ижроси ва доимий мониторинг олиб бориш учун яхлит тизим яратилган.

Ҳисобот даврида 632 та кўп қаватли тураржой қурилб, 32 503 та оила уй билан таъминланди. 11 800 та оилага 284 млрд. сўмлик субсидия ҳамда 4,8 трлн. сўмлик ипотека кредити ажратилган. Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривож-

лантириш дастури доирасида 23,5 трлн. сўм маблағ эвазига 2173 та объект фойдаланишга топширилган.

Ҳисобот фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди. Депутатлар янги иш ўринлари яратиш орқали бандликини таъминлаш, таълим муассасаларини жиҳозлаш, қишлоқ шифокорларига устама тўланиши борасидаги айрим муаммоли масалалар бўйича Ҳукумат вакилларига мурожаат қилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА САНОАТ КООПЕРАЦИЯСINI КЕНГАЙТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

⬅(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2022 йилда **худудий корхоналар томонидан янги махсулотларни ишлаб чиқариш ва мавжуд қувватларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар рўйхати** 2.2-иловага мувофиқ;

2022 йилда маҳаллий махсулотлар етказиб бериш бўйича **саноат кооперациясини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар рўйхати** 3-иловага мувофиқ;
республикада талаб юқори бўлган махсулотларни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа таклифлари рўйхати 4-иловага мувофиқ;

ўзлаштириш учун тавсия этилаётган тайёр махсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар рўйхати 5-иловага мувофиқ.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясига (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) ушбу қарор билан тасдиқланган амалга ошириладиган лойиҳалар параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги лойиҳа таклифлари рўйхатини янгиллаб бориш ҳуқуқи берилсин.

3. Ҳукумат комиссияси (Умурзаков):

бир ой мuddатда ушбу қарор билан тасдиқланган 2022 йилда махсулотлар ишлаб чиқариш прогнози ҳамда тармоқларро саноат кооперацияси доирасида тузилган шартномаларни Электрон кооперация порталида рўйхатдан ўтказган ҳолда, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича **тармоқ жадвалларини** тасдиқласин;

бир ой мuddатда тармоқларро саноат ярмаркасида имзоланган меморандумлар ва ички бозор эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, тавсия этилаётган махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича “Йўл хариталари”ни тармоқлар ва худудлар кесимида тасдиқласин;

“Йўл хариталари” доирасида ишлаб чиқилган технологияларни синовдан ўтказиш ва махсулотларнинг тажриба партиясини чиқаришни, шунингдек, серияли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни доимий равишда мувофиқлаштириб борсин;

ҳар чоракда тармоқ раҳбарлари ва ҳокимликларнинг маҳаллийлаштириш ва янги ишлаб чиқариш кооперацияси бўйича олиб бораётган ишлари якунлари бўйича **ҳисоботларини эштитиб**, тармоқ раҳбарлари ва ҳоким ёрдамчилари **фаолияти самарадорлиги рейтингини** юритсин ҳамда натижалари бўйича уларни **моддий рағбатлантириш** ёки **интизомий жавобгарликка тортиш** бўйича таклифларни киритиб борсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

а) ички бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришни **қўшма молиялаштириш йўналишида** Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармиси маблағлари қўйидагиларга йўналтирилади:

ички бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган лойиҳаларнинг маркетинг тадқиқотлари, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қурилиш жараёнларида технологик кўмаклашиш, хорижий мутахассислар ва консалтинг компаниялари томонидан жиҳозларни ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга;

тендерлар ёки технология лицензияларининг энг яхши таклифларини таллаш асосида аниқланадиган замонавий юқори технологияли асбоб-ускуналар қийматининг 50 фоизини қўшма молиялаштиришга;

б) ички бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришни **қўшма молиялаштириш йўналишида** инвестиция шартномалари доирасида жалб қилинган хорижий инвесторларнинг маблағлари, биринчи навбатда, илмий тадқиқотлар ва тижоратлаштиришга тайёр бўлган технологиялар трансферини қўшма молиялаштиришга йўналтирилади;

в) **тармоқларро кооперацияни қўллаб-қувватлаш соҳасида** трансферга тайёр илмий ишланмалар ва **технологияларни** тижоратлаштириш мақсадида **Электрон кооперация портали орқали сотишга** рўхсат берилади;

г) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар махсулотларини хорижда сертификатлаштириш **харажатларининг 50 фоизи**, лекин **20 000 АҚШ долларидан** кўп бўлганам микдорда, тасдиқловчи ҳужжатлар асосида Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармиси маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. **2022 йил 1 апрелдан бошлаб республика худудида аввал ишлаб чиқарилмаган**, маҳаллий корхоналар томонидан ўзлаштириладиган махсулотларни давлат органлари ва устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган корхоналар томонидан **ўрта мuddатли шартнома тузиш орқали қафолатли харид қилиш тизими** жорий этилсин. Бунда:

қафолатли харид қилиш шартномалари бўйича танловлар Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор ташкилот ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан биргаликда шакллантирилган **ички бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар рўйхати** доирасида амалга оширилади;

ички бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар рўйхати Давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали, Электрон кооперация портали ҳамда манфаатдор вазирлик ва ташкилотларнинг **расмий веб-сайтларида жойлаштирилади** ҳамда **ҳар йили тўлдириб борилади**; манфаатдор ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўрта мuddатли **қафолатли харид қилиш шартномаларини** имзолош учун голибларни аниқлаш бўйича очиқ танловларда **давлат буюртмачиси** ва **бенефициар мулкдори** ҳисобланади.

Бунда давлат органлари ва устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ўзининг импорт махсулотларга талаби асосида мамлакатда

ишлаб чиқарилмайдиган махсулотларни **ўзлаштираётган корхоналар** билан олдиндан белгиланадиган мuddат давомида қафолатли харид қилиш тўғрисидаги шартномаларни тузиш ҳамда олдиндан бўнак тўловларини ўтказишга рўхсат берилади.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов), Молия вазирлиги (Ишметов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Абдиназаров):

а) **бир ой мuddатда** йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида маҳаллий махсулотлар контентиани кенгайтиришни қафолатлаш ва рағбатлантириш;

б) **уч ой мuddатда**: қафолатли харид қилиш шартномаларини тузиш, уларнинг шартларини ва махсулот нархини келишиш тартибини; ички бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирадиган корхоналарнинг ишлаб чиқариш жараёнига бевосита алоқадор ходимларини рағбатлантириш тартибларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда **ички ой мuddатда** маҳаллий (махсулот ва хизматлар) ишлаб чиқарувчиларнинг аниқ мезонларини белгилаш бўйича қонунчилик ҳужжатларига киритиладиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Электрон кооперация портали ва Давлат солиқ қўмитаси ахборот базаси ўртасида маҳаллий махсулотлар (хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш назарда тутилсин.

8. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда **ички ой мuddатда** қўйидагиларни ўзлаштиришни назарда тутувчи **ўрта мuddатли тармоқ дастурларини** ишлаб чиқарди:

“Навий КМК” АЖ, “Олмалик КМК” АЖ, “Ўзметкомбинат” АЖ, “Технопарк” МЧЖ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Ўзавтосаноат” АЖ қўйиш-механика заводларининг ишлаб чиқариш қувватлари негизида, шу жумладан, республикадаги бошқа корхоналар билан кооперация асосида — иқтисодиётнинг барча тармоқлари томонидан талаб этиладиган номенклатурадаги **металлга қайта ишлов берувчи ва инструментал асбоб-ускуналар** (фрезерлаш, силликлаш, бургилаш, ўйиш ва токарлик ускуналари), **қўйиш қолиплари** ҳамда металл, пластмасса ва ёғочни **қайта ишлаш ускуналари**;

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси корхоналари негизида, шу жумладан, лицензиар бренд компанияларни жалб этган ҳолда — **яримўтказкич ва электрон компонентлар, муқобил энергия манбалари учун бутловчи қисмлар, электромобилларга қувватловчи ускуналар** ва

станциялар, электр жиҳозлар ва трансформаторлар, мис хом ашёсидан кабель-сим ва янги турдаги махсулотлар; “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ва “Ўзавтосаноат” АЖ корхоналари негизида **енгил саноат учун ускуналар, инструментлар ва тез ишдан чикувчи қисмлар**;

кимё саноати, чарм-пойабзал, тўқимачилик, фармацевтика, металлургия, қоғоз, мебель ва қурилиш материаллари саноати корхоналари негизида, шу жумладан, республикадаги иختисослаштирилган корхоналар билан кооперация асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган янги турдаги махсулотларни ўзлаштириш учун фойдаланиладиган **кимё махсулотлари**, айниқса, **полимер материаллар ва яримтайёр махсулотлар** ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Стратегик ривожланиш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда **уч ой мuddатда** ички бозорда талаб юқори бўлган махсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш мақсадида **балл бериш орқали баҳолаш тизими** ҳамда тўпланган баллар асосида корхоналарга қулай имкониятлар яратиб беришни қўзда тутувчи тартиб ва мезонларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

10. Мутасадди тармоқ вазирликлари, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда йирик корхоналар **ички ой мuddатда** импорт таркиби ва номенклатурасини тахлили асосида **2023 — 2026 йилларда янги махсулотларни ўзлаштириш бўйича “Йўл харитаси”**ни ишлаб чиқиб, Ҳукумат комиссиясига киритсин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда **2022 йил 1 майга қадар** маҳаллий ишлаб чиқариладиган махсулотлар учун ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасининг 10-рақамли кодларини жорий этсин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тузилмасида умумий штат бирликлари доирасида **6 та** штат бирлигини иборат **Саноат кооперациясини ривожлантириш бошқармаси** ташкил этилсин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **ички ой мuddатда** қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш, унинг натижадорлигини муҳокама қилиб бориш ва ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б.Воитов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 24 январь	
Халқ сўзи	

ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ

АЙРИМ МУАММОЛАР БЎЙИЧА

ҲУКУМАТ ВАКИЛЛАРИГА

МУРОЖААТ ҚИЛДИ

⬅1 Фракция ййғилишида, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Хусусан, “Қўп квартиралли уйларни бошқариш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти қонун лойиҳаси кўзгин муҳокама қилинди.

Мазкур қонун бежиз қабул қилинмапти. Ўрганишлардан маълум бўлишича, қўп квартиралли уйлардан фойдаланишнинг техник хавфсизлик қоидаларини бузиш ҳолатлари кўпайган. Кўчмас мулк эгалари томонидан уй-жой фонди ва унга туташ худудларда ўзбошимчалик билан қурилмалар барпо этилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан кўчмас мулк эгаларига ноқонуний қурилмаларни бар-тараф этиш бўйича тегишли давлат органи томонидан мажбурий кўрсатмалар берилган.

Бироқ ўзбошимчалик билан қурилган но-қонуний қурилмаларни мажбурий тартибда бузишга оид судларга аризалар тақдим этишда олдиндан давлат божи тўловидан озод қилинганлиги боис ушбу мазмундаги материалларни судларга тақдим этишда бирмунча қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Қонунни қабул қилиш орқали коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида, шу жумладан, қўп квартиралли уйларни сақлаш ва ундан фойдаланишда қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга кўмаклашишда инспекция иштирокини янада кенгайтириш йўли билан қўп квартиралли уйлардаги муҳандислик-техник коммуникацияларини ва уйнинг конструктив қисмлари таянч қобилияти ва зилзилабардошлилигини сақлаб қолиш ҳамда кўчмас мулк эгаларининг хавфсиз яшашига шaroит яратиб берилишига ва бугунги кунда соҳада учраб турган қўллаб муаммолар ҳал этилишига эришилади.

Депутатлар ййғилишида муҳокама қилинган қонун лойиҳаларини партиянинг дастурий мақсад ва гоғлари, электротар манфаати нуқтаи назаридан маъқуллади. Ййғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2022 йил I ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида партия фракцияси томонидан билдирилган таклифлар муҳокама этилди.

Қун тартибидagi масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ

ҚАЧОН ЯХШИЛАНАДИ?

Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг навбатдаги ййғилишида ҳам “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.

Ййғилишда дастурда белгиланган тадбирлар ижроси билан бирга, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ҳал этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хисоботда таъкидланганидек, Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатишга қаратилган амалий ҳаракатларни қатъий давом эттириш орқали Орол денгизининг қуриган тубида 2 млн. гектарда яшил копламалар вужудга келтирилган.

Шунингдек, ўрмон хўжаликлари томонидан 2021 йил давомида 734 тонна уруғ, 15 млн. дона кўчат ва ниҳоллар тайёрланган. Қишлоқ хўжалиги экин майдонлари четларида шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш мақсадида ҳисобот даврида 250 гектарда ихота дарахтзорлари ташкил қилинган.

Таштақўйир туманининг бешта фуқаролар ййғинида 3,3 минг аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш йўлга қўйилган. Мўйноқ,

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

СЕКТОРЛАР АҲОЛИГА МУНОСИБ

ТУРМУШ ШАРОИТИ ҲОЗИРЛАШДА

МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА

⬅1 Буни Сирдарё вилояти секторлари фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, тақли қилимиз. Маълумотларга кўра, худуд секторларига фуқаролардан келаётган мурожаатлар ичиде ички йўлларни тасмирлаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, электр таъминотиини яхшилаш, моддий ёрдам, даволаниш ёки жарроҳлик амалиётига маблағ ахратиш, оилавий шароити оғир одамлар уй-жойини қуриш, таъмирлаш ёки қурилиш моллари олишишга кўмаклашиш билан боғлиқ масалалар юзасидан бўлмоқда.

Дарҳақиқат, бу масалаларнинг барчаси аҳоли учун жудаям муҳим. Қачонки, ушбу муаммолар ҳал бўларкан, киши фаол меҳнат қилади, уйда ҳам, ишхонасида ҳам ўзини бахтли ҳис этади. Содда қилиб айтганда, кўнгли хотиржам тортади. Бундай инсонлар бугунги ислохотларга мос қадам ташлай олади.

Вилоятимиз секторлари раҳбарлари ана шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, маҳаллаларда яшовчи аҳолиимизнинг оғирини енгиллатиш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда. Вилоят бўйича оғир худуд, деб топилган 22 та маҳаллада ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётгани бунинг яққол мисолидир. Айни пайтда бу маҳаллардаги мавжуд қўйлоба ва яроқсиз электр устуналарини алмаштириш, аҳолини табиий ва суюқтирилган газ билан таъминлаш, айниқса, лой кўчаларга тош-шағал ётқизиш, ижтимоий соҳа объектларидаги муаммоларини бартараф этишга қаратилган ишлар жадат олиб бориляётир.

Боёвут туманидаги Миришкор маҳалласи шундай оғир шароитдаги фуқаролар ййғинларидан

бири. Яқинда бу ерда яшовчи аҳоли муаммолари, кўчалар, асосий муҳандислик ва ирригация тармоқлари ҳолати ва иқтимоий соҳа объектларидаги аҳвол вилоят ҳокими бошчилигидаги сектор раҳбарлари томонидан ўрганиб чиқилди.

Бу маҳалла 4 та қишлоқдан иборат бўлиб, 3600 нафардан ошқ аҳоли истикомат қилади, 620 та хонадон бор. Маҳалладаги ички йўллар 21,8 км. бўлиб, шундан 5,9 км. қисми тасмирлаб. Ўрганиш давомиде ҳаммаси ҳисобга олинди. Энг муҳими, уша куннинг ўзидеёёқ амалий ишлар бошлаб юборилди.

Хозирги пайтда вилоят туман ва шаҳарларида 44 та сектор фаолият юритаётган бўлиб, барчасининг бош штаби ўз худудидаги маҳаллаларда жойлашган. Бу эса сектор раҳбари ҳамда ишчи гуруҳи аъзоларининг аҳоли муаммоларини тезлик билан ўрганиш ва бартараф этилишга имкон яратмоқда. Яъни секторлар муаммоларини ҳал билан бирдамликда ўрганиб, елкама-елка туриб, ечим топишга муваффақ бўлишмоқда.

Кези келганда, секторлар раҳбарлари фаолияти муносиб баҳолиниб, республика даражасида рағбатлантириб борилаётгани уларнинг халқимиз олдидаги масъулиятини янада оширишдан ташқари, яъни марралар сари рағбатлантираётганлигини ҳам айтиш жоиз.

Умуман, Президентимиз томонидан йўлга қўйилган секторлар бугунги кунда самарали фаолият олиб бориб, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дилфуза ҲРОЛОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР

ҚАНДАЙ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА?

⬅1 Бугун Бухоро вилояти халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашлари

котибиятларида 14 нафар котибият мудири ва 28 нафар бош мутахассис бўлиб, улар доимий комиссиялар, партия депутатлик гуруҳлари ва депутатлар билан ҳамкорликда фаолият олиб бормоқда.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг тегишли қарори билан тасдиқланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомага асосан доимий комиссияларнинг янгиланган таркиби тасдиқланди. Унга кўра, Кенгашларда Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари ҳамда Ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий комиссиялар ташкил этилди.

Котибиятлар томонидан иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича худудий дастурлар ва Кенгаш раисининг сайёр қабулларидаги мурожаатлар ижросини назоратта олиш, маҳаллий Кенгашларга келиб тушадиган ҳамда ташкилот ва идораларга юбориладиган ҳужжатларнинг ҳисобини юритиш, депутатларга ваколатларини амалга оширишда кўмаклашиш, уларни тегишли ҳуқуқий-ахборот материаллари билан таъминлаш, Кенгаш

сессиялари материаллари лойиҳалари депутатларга етказилиши бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Шу ўринда бир маълумот: ўтган йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг 300дан ортиқ сессиялари ўтказилиб, уларнинг иш режаларидаги ва худудларни иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид 2 мингга яқин масалалар муҳокама қилинган.

Маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияларини кенгайтириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан самарали депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатиш, уларнинг маҳаллий Кенгашлар олдиде ҳисобдорлигини ошириш мақсадида сессияларда мансабдор шахслар ҳисобот ва ахборотлари эшитилимоқда. Ўтказилган сессиялар ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиб бориляётир. Вилоят сессиялари тўғридан-тўғри намойиш этилмоқда. Айни пайтда Кенгашлар котибиятлари ва тегишли доимий комиссиялар томонидан вазифалар ижросини назорат қилиш тизими йўлга қўйилди.

Худудлари иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастурлари ҳамда аҳоли томонидан қилинган мурожаатлар ижроси бўйича маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан тегишли ташкилот ва ҳокимликларга 2 минг 400 дан зиёд депутатлик

сўровлари юборилган ва уларнинг 96 фозига ўз мuddатиде жавоб олинган.

Аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича депутатлик назоратини қунайтириш мақсадида мурожаатларни қўриб чиқиш мuddатига риюя этмаган мансабдор шахслар ҳисоботларини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ҳар ойда муҳокама қилиб бориш ҳамда депутатлар томонидан ҳар бир мурожаат ижросини қатъий назоратда олиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда.

Қолаверса, аҳоли мурожаатларини ижобий ҳал этиш ва аниқланган муаммоларга ечим топиш мақсадида маҳаллий бюджет маблағларини депутатлар таклифи асосида мақсадли йўналтириш тизими жорий қилинган.

Худудий дастурлар, жумладан, 2021 йилда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини самарали ташкил этиш, шунингдек, “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ҳамда “ёшлар дафтари” бўйича масалалар ижроси юзасидан масъул сектор раҳбарлари ҳисоботлари доимий равишда Кенгаш сессияларида муҳокама қилиб боришмоқда.

Маҳаллий Кенгашлар депутатлари томонидан халқ билан 5 мингта учрашув ўтказилган ва шу жараёнда аниқланган муаммоларнинг 78,1 фоизи ижобий ечим

Мулоқот давомиде мазкур маҳаллалар худудиде яшовчи аҳоли бандлигини оилавий тадбиркорлиқни кенг ривожлантириш ҳисобига таъминлаш ҳамда шу орқали камбағалликни қисқартириш масалалари атрофила муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, Толимаржон шаҳарчаси вилоят марказидан 80 км., туман марказидан 50 км. узоқликда жойлашган бўлиб, аҳолининг асосий қисми Қарши магистраль каналиде фойдаланиш бошқармаси ва унга қарашли объектларда меҳнат қилади. Жорий йилда “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”ида рўйхатда бўлган мазкур худудда яшовчи ишсиз, лекин меҳнатда лаёқатли 100 нафар фуқарони сув хўжалиги объектлари атрофини ободонлаштириш ишларида, шунингдек, иншоотлар атрофида бўш турган ерларда деҳқончилик, ёрдамчи хўжалик ташкил этган

БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ НЕГА БОЛАЛАРГА МОС ЭМАС?

Болалик инсон умрининг гўзал ва беғубор фасли. Бинобарин, фарзанд — ҳар бир оила ва жамиятнинг эртанги кундан умид чироғи. Шу боис уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб вояга етишларини таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт истиқболини белгилловчи муҳим омил саналади. Бу борадаги озгина эътиборсизлик эса сўзсиз, нохушликлар сари йўл очади. Зеро, бугунги ахборот асрида дунёда текин нарса ёки ҳолис хизматнинг ўзи йўқ...



Мутасаддилар нима дейди?

Сўнгги пайларда ижтимоий тармоқлар, гаджетлардан фойдаланувчи қатламнинг тобора ёшариб бораётганлиги ҳақидаги нолишлар (баъзида мактанлиш) тез-тез қулоғимизга чалинмоқда. Заррача муболага йўқ — бугун атрофни виртуал англаш, "компьютерга қарамлик" ҳали тили чиқмасиданоқ болаларни ўз домига тортмоқда. Бу, айниқса, навихол гўдаклар учун хавфлидир. Кимдир менталитетимизга ёт ўйин билан банд, яна биров эса интернет оламининг турли манзиллариаро "кезаётир"...

Ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда ҳам бу қарамлик "касалик", дея тан олиниб, унга қарши чоралар қўлланилган. Аслида бу таҳдидларнинг олдини олишнинг ягона йўли — маф-тункор ва жозибадор оминли тақдим этиш. Шу боис ҳам юртимизда бу бо-

рада бир қатор чора-тадбирлар белги-ланиб, лойиҳалар амалга оширилмоқ-да. Чунончи, "2017 — 2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорида бо-лаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига доир муҳим вазифалар белгиланган.

Мазкур ҳужжатга кўра, уй-жой фон-дига туташ ҳудудларни ободонлаштириш параметрларида 2017 — 2021 йиллар-да биргина Навоий вилоятида 634 та болалар майдончасини қуриш ва таъмирлаш ишлари назарда тутил-ган эди. Шуларнинг 80га яқини Навоий шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Албатта, бу бежиз эмас. Боиси бо-лалар майдончалари мурғак қалб эга-

ларининг ўз вақтини мазмунли ўткази-ши, жисмоний ва ижтимоий ривожла-нишга хизмат қилиши билан аҳами-ятли. У ердаги ҳар бир жиҳоз мактаб-гача ва кичик мактаб ёшидаги бола-ларни ўйинга қизиқтира олибгина қол-май, жисмоний ва интеллектуал ривож-ланишига самарали таъсир этиши за-рур. Шундагина ўйин орқали болалар атроф-муҳит билан яқиндан танишиб, ҳам мулоқотни ўрганади, ҳам мустақил ҳаракатланиш, ўз кучини синая қўриш имкониятига эга бўлади. Энг муҳими, болада табиатга меҳр, дадиллик, бош-қалардан ўрнак олиш ҳисси уйғонади.

Ҳўш, бу борада таҳлил манзиллимиз — Навоий шаҳрида ахвол қандай? Шаҳар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими берган маълумотлар-га кўра, 2018 — 2021 йилларда ҳудуд-да 48 та болалар майдончаси қурилиб, 31 таси таъмирланган. Мисол учун, шаҳарнинг "Умид" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги (Ислом Каримов) ва Амир Темур кўчалари кесимида) кўп қаватли 90-уйда истиқомат қилув-чиларнинг имкониятини олиб қарайлик. Уй 140 хонадондан иборат бўлиб, катта кўчадан биргина йўлак ажратиб туради. Икки ёнида эса йўлга тутшиб кетган энгил конструкцияли овқат-ланиш макснлари жойлашган. Орқа тарафи очик майдон бўлиб, у ерда дарактзор, болалар ўйин майдончаси,

ахлат йиғиш пункти мав-жуд эди. Шу атрофдаги кўп қаватли 88, 88 "А", 84, 86-уйларда истико-мат қилувчи оилаларнинг фарзандлари ҳам ушбу ҳудудда ўйнашлари, ав-томашиналар қўйилиши-ни инобатга олсак, очик майдон деганимиздан ҳам кафтдеккина жой бо-лаларга қолади. Бу ҳам етмагандек, шу кунларда мазкур ҳудудда уйга қадаб, уч қаватли иморат тикланмоқ-да. Эмин-эркин ўйнаш нари турсин, шунчаки туришга ҳам торлик қилади-ган бу ҳудуддан болалар ўйингоҳи учун ажратилган ерга талабгор бўлишнинг ўзи болалар ҳуқуқ ва манфаатларига беписандлик эмасми?

— Болалар майдончасидаги мосла-малар кесиб ташланди, ана ётибди, — дейди 88 "А"-ўй фаолларидан Халил Маматов. — Шу иморатнинг тағида беш-туп катта-катта ўрик дарахти бор эди, мевасидан ёз бўйи болалар баҳраманд бўларди. Уни ҳам... Албатта, кўпчилик норози бўлди, шикоят ҳам қилдик, аммо фойда бермади.

Ушбу иморат тикланаётган ҳудудда-ги болалар майдончаси "Нихол 2020" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати балансида. Ширкат раисининг таъкид-лашича, қурилиш учун ер Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати (ХУЖМШ) ташкил этилишидан анча ил-гари ажратилган. Уч-тўрт йилдан буён қўлдан-қўлга ўтиб келяпти.

— Тўғриси, ҳозир нима қурилаёт-ганини билмайман ҳам, — дейди ХУЖМШ раиси Нодир Маҳаматов. — Ўйин майдони бизнинг балансимизда бўлгани билан ер бизга тегишли эмас. Шунинг учун уни ҳокимият иста-гадан пайтда сотува қўйиб, тасар-руф этиши мумкин.

"Умид" МФЙ раиси Шермадат Холиқов билан суҳбатлашганимизда, ҳақиқатан ҳам, ер бир неча қўлдан ўтиб, бугунги эгалари стоматология, босма-хона учун иморат тиклаётганини, қури-лиш ишлари якунланган, болалар май-дони барпо этиб беришни ўз зимма-ларига олишганини таъкидлади.

Нафсиламрини айтганда, иморат кимга тегишли эканлигининг аҳамияти йўқ. Шуниси аниқки, манзилдаги 90-ўйининг биринчи қаватида иккита сто-матология пункти бор бўлса-да яна шундай муассаса қуриш ва бунинг учун болаларни ўйингоҳдан маҳрум қилишга қандай зарурат бор?!

...Бугун компьютер қаршисига михланган ёки планшет, телефонда кун сайин учриётган видеомаҳсулотларни томоша қилаётган фарзандларингиз учун сиз яшаётган кўп қаватли уй ёнида ўйингоҳ борми? Агар бор бўлса ва хавфсизлик талабларига жавоб берса, болаларингизни ўйингоҳга етакланг. Зеро, улар айни ўйнаб-яйрайдиган фурсатни бир парча телефонга термулиб, виртуал ўйинлар билан совурмасин!

Навоий шаҳри мисолида айтсак, афсуски, бундай болалар майдончалари кам, жуда кам...

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Бу ҳолатдан ранжисак-да, эҳтиросни жилоблаб, сал наридаги икки-учта бо-лалар ўйин майдонларини кузатамиз. Алмисокдан қолган мослама ва жиҳоз-лар атрофи бўм-бўш. Фарзандларини олиб чиққан ота-оналар учун яратилган шарт-шароит ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

— Мосламаларнинг ҳаммаси темир-дан ясалган, — дейди Маҳмуд Таробий кўчасидаги 113-ўйининг 11-хонадонида истиқомат қилувчи Гавҳар Турдыева. — Ёзда қўлни куйдирса, қишда музлатади. Устига-устак, ер жуда қаттиқ. Йиқилган бола шикастланиши аниқ. Ҳарҳолда, ҳен-дан кўра бор, қабилида болаларимиз келиб ўйнайди.

Шаҳарда сўнгги йилларда қурилган янги уйлар атрофидидаги бир неча ўйин майдончаларида ҳам бўлди. Мисол учун, "Ҳумо Зилола" ХУЖМШга қараш-ли ўйин майдончаси бешта кўп қаватли уйга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ати-ги иккита ўйин мосламаси бор, ҳолос. Улар ҳам занглаб, пайванд чоклари қўчи-ши натижасида қирралари ўткирлашиб, хавфли бўлиб қолган. Афсуски, бу каби ҳолатлар бармоқ билан санарли эмас.

Нихоят, Навоий шаҳридаги мобиль алоқа компанияси томонидан беш-олти йил олдин болаларга совға қилинган ўйин майдончасига келдик. Майдонча болалар билан тўлалигини қўриб, қўнғлимиз ёришди.

— Қунлар исига, бу ер янада гав-жумлашди, — дейди Фалаба шоҳқўча-сидаги 117-ўйининг 5-хонадонида исти-қомат қилувчи Юлдуз Носирова. — Фар-зандларимиз билан бирга биз, ота-она-лар учун ҳам дам олиб, суҳбат қуриш учун қулай шароитлар яратилган.

Муносабат

Президентимизнинг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра ёшлар билан ишлашнинг янги-ча бошқарув механизмлари жорий этилди. Мақсад йигит-қизларни қийнаётган, ривожланишларига тўсиқ бўлаётган муаммоларни маҳаллада ҳал қилиш, қолаверса, маҳалла миқёсида маънавий-маърифий ҳамда тарбиявий ишларни Янги Ўзбекистон мақсадларига йўналтиришдир.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ВЕРТИКАЛЬ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛЯПТИ

Маҳаллаларда фаолият олиб боровчи Ёшлар иш-лари агентлиги вакиллари-нинг "ёшлар баланси"ни шакллантириш орқали "ёшлар дафтари" билан самарали иш ташкил қи-лиш асосий вазифалардан этиб белгиланди.

Маҳаллаларда навқирон авлоднинг бўш вақтини мазмунли ўшатириш, беш муҳим ташаббус лойиҳа-ларини амалга ошириш каби вазифалар ёшлар орасида олиб борилиши лозим бўлган маданий-маърифий тадбир самара-дорлигини оширса, миллий халқ ўйинлари ва спорт турларини улар орасида оммалаштириш каби ва-зифалар ёшлар соғлом авлод сифатида камол то-пишларида муҳим омил бўлади.

Шунингдек, белгилаб берилган вазифалар ора-сида ўғил-қизларнинг иж-тимоий фаоллигини оши-риш, уларнинг турли та-шаббусларини рағбатлан-тириш, уларни ватанпар-варлик руҳида тарбиялаш-га қўмаклашиш, маънавий ривожланишини таъмин-лаш каби жиҳатлар бугун ёшлар етакчиларининг халқимиз ва Президенти-миз, айниқса, ёшларимиз олдида нақадар масъули-ятли эканликларини кўрсатмоқда. Энг асосий жиҳатлардан бири ҳисоб-ланган ҳуқуқбузарлик со-дир қилишга мойиллиги бўлганлар билан ишлаш масаласи ҳар кунгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, ёшлар етакчилари маҳаллаларда-ги ўз фаолиятларини олиб боришда маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологиялари-дан самарали фойдала-нишни ташкил этиш, маъ-навият ва китобхонлик тар-бияси, ёшларни ватан-парварлик руҳида тарбия-лаш ва ҳуқуқий саводхон-лигини ошириш ҳамда тад-биркорлик қояларини қўллаб-қувватлаш бораси-даги йўналишларга эъти-бор қаратишларни лозим-лиги белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни тўлақонли бажаришда ёшлар етакчиларини қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш, уларга мотивация бериб бориш тизими ҳам ишлаб чиқил-ди. Президентимиз қаро-рига асосан маҳаллада ёшлар билан самарали ишлаган 100 нафар етак-чи бир ойлик иш ҳақида тенг миқдорда бир мар-талиқ пул муқофоти бери-лиши, бошқаларга ҳақиқий намуна бўлаётган етакчи-лар "Янги Ўзбекистон ис-лохотчи" кўрак нишончи билан тақдирланиши улар-нинг фаолиятида ижо-

бий натижаларни беради. "Инсон қадрини ун-дан эзгу го-я асосида бу-гун аҳолига, айниқса, ёшларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам турлари фуқароларнинг ҳаёт тарзи-ни яхшилашга маълум да-ражада ҳисса қўшмоқда. Бу борадаги ёрдам турла-рини кенгайтириш, ман-зилли қўмақ қўрсатиш, ҳар бир берилаётган ёрдам-нинг эгасига етиб бориши юзасидан ишлаб чиқилаёт-ган тизим ёшлар етакчи-ларини ҳам четлаб ўтмай-ди, албатта. Президенти-миз қарори билан 13 тур-даги ёрдам етакчининг тавсияси асосида берили-ши белгилаб қўйилди.

Етакчилар ҳоким ёрдамчилари билан ҳам-корлик қилишга, ўзларига берилган ваколатлар дои-расида шахсий масъули-ятни ҳис этишга, ўз фа-олиятлари давомида турли ташкилот ва идоралар би-лан ўзаро мувофиқликда фаолият олиб боришга ҳамда бериладиган тавсия-ларнинг асослилиги, ҳаққонийлиги ва адолатли-лиги учун масъул ҳисоб-ланади. Эндilikда, ёшлар ишлари билан шуғулланиш ва ҳудудларда ушбу фа-олиятни мувофиқлаштириш шахсан ҳокимлар томони-дан амалга оширилиши ёшлар сийсатига эътибор-ни янада қўнайтиради.

Кўп йиллардан бери ёшлар сийсатини амалга оширишда маҳаллада улар вакилининг йўқлиги мав-жуд қийинчиликларни ву-жудга келтирарди. Умумий ўрта таълим мактаблари-да фаолият олиб борган ёшлар етакчилари фақат-гина таълим муассасаси-даги ўқувчилар билан иш олиб бориш. Маҳалладаги ёшлар билан ишлаш ма-саласи деярли унутилган эди, десак, тўғри бўлади. Тан олиш керак, Президент ташаббуси билан ташкил қилинган "ёшлар дафтари" бу муаммони қамраб олди, лекин ҳар бир ма-ҳаллада етакчи-лар ин-ститутининг таъсис этилиши мазкур муаммо-ни тўлақонли ечди, десак, муволаба бўлмайди.

Шу ўринда ёшлар етак-чилари ҳам янгиликларни жорий қилиш бўйича кўрсатмалар юқоридан ке-лишни кўтиб ўтирмасдан ёки фақатгина дастурлар-да белгилаб берилган ва-зифа, чора-тадбирларни юзаси бажариш, қолавер-са, ҳисобот бериш учун ишламасдан ўз маҳалла-си келажагини ўз қўли, ўз кучи билан яратишга бел боғлаши, зиммаларига қандай улкан масъулият юклаганини чуқур ҳис этишлари лозим.

Шерзод РАҲИМОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати.

ЭЪЛОН

Тараддуд

ДАЛАЛАР ҚИШЛАГАНИ БИЛАН ДЕҲҚОНЛАР ИШЛАМОҚДА

Жиззах вилоятида ҳудуд ер ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда ўтган йилнинг кузи ва жорий қиш ойларида 1 минг 486 километр узунликдаги майдонларда ирригация ҳамда 1 минг 500 километр узунликда мелиорация тадбирларини ўтказиш режалаштирилган эди.

Ўрганишларга кўра, бугунги кун-гача 799 километр узунликдаги икки суғориш тармоқларида белгиланган ишлар бажарилган. Шунингдек, мавсум давомида 176,7 километр узунликдаги коллектор-дренаж тар-моқларида тозалаш ишлари якун-ланган.

— Мелиорация тадбирларида 30 та экскаватор ва дренаж ювиш агрегатларида фойдаланилди, — дейди "Ўзагроинспекция"нинг Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори Искандар Ҳамидуллаев. — Шунинг баробарида, инспекция-нинг вилоят бошқармаси ва туман-лар бўлимлари томонидан ерлар-нинг мелиоратив ҳолатини яхши-лаш борасида аниқланган камчи-ликларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 14 та тақдим-нома киритилди. Қолаверса, бу йўналишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда кузги-қишки мавсумда белгиланган ирригация ва мелиорация чора-тадбирлари ўз вақтида, сифатли ўтказилишини таъ-минлаш мақсадида сувдан фойда-ланувчи ва сув истеъмолчиларига 54 та огоҳлантирув хати, ёзма кўрсатмалар берилди.

Қиш мавсуми деҳқон учун кел-гуси ҳосилга қизгин ҳозирлик қўриш палласи ҳисобланади. Да-лалар қишлагани билан деҳқонлар ишлайди бу даврда. Шунга кўра, жиззахлик деҳқон ва сувчилар ҳам ерни озиклантириш билан бирга, коллектор-дренажларни тозалаш, икки суғориш тармоқларини соз холга келтириш, шўрланиш дара-жаси юқори экин майдонларида шўр ювиш ишларини жадаллашти-ришга интиломоқда.

Толибжон ЭРҒАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

ОМБУДСМАН ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, подвалат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш: халқаро ва миллий тажриба" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда парламент қўйи палатаси депу-татлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман), Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти хо-димлари, Тошкент давлат юридик уни-верситети профессор-ўқитувчилари, Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Мил-лий маркази ходимлари ҳамда соҳа му-тахассислари, оммавий ахборот воси-талари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ваки-ли (омбудсман) фаолиятини такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш йўлидаги муҳим тарихий қадам бўлди.

Ушбу ҳужжатда амалдаги "Ўзбекис-тон Республикаси Олий Мажлисининг

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Қонунни ислохотлар асосида такомиллаштириш вазифаси белгиланган.

Тадбирда сўз олганларнинг таъкид-лашича, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда парламент-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили институтининг ўрни ва ваколатлари то-бора кенгайиб бормоқда. Айниқса, мам-лакатимизда "Инсон қадрини ун-дан улғувор го-я асосида ишлаб чиқил-ган Янги Ўзбекистон тараққиёт страте-гияси доирасида инсон ҳуқуқ ва манфа-атларини таъминлаш борасидаги саий-ларакатлар янада жадаллаштирилиши эътиборга молик. Ушбу ислохотлар жа-раёнда Омбудсман фаолиятини тартиб-га солуви қонуннинг ҳар томонлама та-комилга етказилган ва амалда тўлиқ ишловчи ҳужжат сифатида қабул қили-ниши мақсадга мувофиқдир.

Шу йўналишда ишлаб чиқилган

"Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ваки-ли (омбудсман) тўғрисида"ги қонун лойиҳасида мазкур соҳани тартибга со-луви бир қатор илгор давлатларнинг қонун ҳужжатлари атрофида ўрганилган. Шунингдек, мазкур қонун лойиҳасини инсон ҳуқуқларини таъминлаш бораси-даги халқаро мақомдаги ҳужжатлар талаблари асосида такомиллаштириш мақсадида ушбу ҳужжат БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда АКШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) каби нуфузли халқаро ташкилотларга экспертиза учун юборилган.

Шунингдек, Омбудсман фаолиятини тартибга солуви қонун лойиҳаси regulation.gov.uz порталида жамоат-чилик муҳокамасидан ўтган.

Қонун лойиҳаси 7 боб ва 46 модда-дан иборат бўлиб, унда Омбудсман ўз олдида турган вазифаларини монеликсиз ва самарали амалга ошириш учун қўшимча қафолатлар ҳамда унинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ишончли ҳимоя қилиш чоралари, Омбудс-маннинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасига инсон ҳуқуқлари, эркинлик-ларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилишнинг айрим йўналишлари бўйича ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа чора-тадбирлар қўришга қара-тилган махсус маърузалар тақдим қилиш ҳуқуқларини беришга оид янги модда-лар акс этган.

Шунингдек, Омбудсманнинг доимий асосда ишловчи минтақавий вакиллари мақоми, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналари ҳудудида "Омбудсман қўитаси"ни сақлашнинг ҳуқуқий механизмлари, инсон ҳуқуқлари, эркинлик-лари ва қонуний манфаатларига риоя эти-лиши ва ҳимоя қилиниши ҳолати тўғриси-да Омбудсман томонидан жамоатчиликни хабардор қилиш тартиби ва механизми, шунингдек, инсон ҳуқуқлари, эркинликла-ри ва қонуний манфаатлари ҳимоясига оид қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республи-каси Президенти ва Олий Мажлисида ҳамда давлат органларида тизимли равишда ах-борот тақдим қилиш тартиби ва қатор бошқа нормалар белгиланмоқда.

Тадбирда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси маҳаллий ва хорижий экспертлар иштирокида муҳокама қили-ниб, уни янада такомилга етказиш бўйи-ча тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

«Халқ сўзи».

«Imkon-Sug'urta» масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компаниясини қайта ташкил этиш тўғрисидаги			
ХАБАРНОМА			
I. Қайта ташкил этиш тўғрисидаги умумий маълумотлар			
1.	Қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарноманинг санаси ва тартиб рақами	2022 йил 24 январдаги 1-сонли хабарнома	
2.	Илгари эълон қилинган қайта ташкил этиш тўғри-сидаги хабарнома	Мавжуд эмас	
3.	Қайта ташкил этиш шакли (қайта тузиш, ажратиб чиқариш, бўлиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш)	Қайта тузиш (ўзгартириш)	
4.	Қайта ташкил этиш ўтказилган муддат	Иштирокчи (таъсисчи)нинг «Imkon-Sug'urta» МЧЖ суғурта компаниясини ўзгартириш (қайта тузиш) шаклида «Imkon-Sug'urta» акциядорлик жамия-тини таъсис этиш юзасидан қарори қабул қилин-ган санадан бошлаб 30 кун мобайнида	
5.	Қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор:		
	Қарор қабул қилинган ҳужжатнинг номи	Иштирокчи (таъсисчи) қарори	
	Қарор қабул қилган органнинг номи	Иштирокчи умумий йиғилиши	
	Қарор санаси ва рақами	2021 йил 30 декабрдаги 389-сонли қарор	
II. Тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар			
	Қайта ташкил этишда қатнашувчи тадбиркор-лик субъектининг — юридик шахснинг тулиқ номи	«Imkon-Sug'urta» масъулияти чекланган жамият шаклидаги суғурта компанияси	
6.	Солиқ тўловчининг идентифика-ция рақами (СТИР)	306317501	
	Манзили (жойлашган жойи)	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муста-қиллик шохўшаси, 17-уй, почта индекси: 100000	
7.	Ташкил этилаётган, фаолиятини давом эттираётган ёки қайта ташкил этиш натижасида тугатилётган тад-биркорлик субъектининг — юридик шахснинг тулиқ номи	«Imkon-Sug'urta» акциядорлик жамияти	
	Манзили (жойлашган жойи)	Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақил-лик шохўшаси, 17-уй, почта индекси: 100000	
	тулиқ номи	«Imkon-Sug'urta» акциядорлик жамияти	
	Солиқ тўловчининг идентификация ра-қами (СТИР) (мавжуд бўлганда)	306317501	
III. Кредиторлар талабларини кўриб чиқиш тўғрисидаги маълумотлар			
8.	Кредиторлар талаблари тўғриси-да ариза топшириш тартиби ва шартлари	Кредиторлар «Imkon-Sug'urta» МЧЖ суғурта компаниясига тегишли мажбу-риятлари муддатидан илгари тугатиш ёки бажариш ва кўрган зарарларнинг ўрнини қоплаш талаблари тўғрисида ёзма равишда аризани мазкур хабарнома эълон қилинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида юборишга ҳақи.	
9.	Кредиторлар талаблари тўғри-сидаги аризани кўриб чиқиш тар-тиби ва муддатлари	Кредиторлар талаблари тўғрисидаги ариза «Imkon-Sug'urta» МЧЖ су-ғурта компаниясига келиб тушган санадан эътиборан ўттиз кун ичида кўриб чиқилади.	
10.	Қонун ҳужжатларида назарда ту-тилган бошқа маълумотлар	Янгидан вужудга келаётган «Imkon-Sug'urta» акциядорлик жамияти ўзгартирилаётган (қайта тузилаётган) «Imkon-Sug'urta» МЧЖ суғурта ком-паниясининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари, жумладан, кредиторлари ва қарздорларига нисбатан мажбуриятлари, шу билан бирга, тарафлар баҳшлашаётган мажбуриятлар бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.	

1 2 3 4 5 6